

TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

Til bilimi

ЛИСОНИЙ ХОДИСАЛАРГА ПРАГМАЛИНГВИСТИК ВА
ЛИНГВОПРАГМАТИК ЁНДАШУВ ҲАҚИДАМ.С.Эрназарова – филология фанлари доктори
Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: лисоний ходиса, прагмалингвистика, лингвопрагматика, прагматика, семиотика, адресант, адресат, мулоқот системаси, лисоний система.

Ключевые слова: лингвистическое явление, прагмалингвистика, лингвопрагматика, прагматика, семиотика, адресант, адресат, система общения, лингвистическая система.

Key words: linguistic phenomenon, pragmalinguistics, linguapragmatics, pragmatics, semiotics, adresse, addressee, communication system, linguistic system.

Ўзбек тилшунослигида лисоний ходисаларни назарий ўрганиш, лисоний умумийлик ва моҳиятларни тиклаш, лисоний структур муносабатларни аниқлаш вазибаларининг тўла маънода бажарилиши тилни навбатдаги эмпирик ўрганишга мустаҳкам замин ҳозирлади. Тилни жонли воқеланишда тадқиқ қилувчи турли янги лингвистик парадигмалар шаклланди. Прагмалингвистика ёки лингвопрагматика тилшуносликнинг ана шундай йўналишларидан биридир. Аммо «кейинги йилларда «прагматика» атамасини қўлламайдиган тилшунос қарийб қолмади десак муболаға бўлмайди. Натижада ўзига хос прагматик «фетишизм» пайдо бўлиб, бажарилган тадқиқотларда атаманинг қўлланишидан ташқари унинг мазмунига оид бирон-бир маълумотни топиш қийинлашиб бормоқда» [2:53]. Айниқса, лингвистик прагматика ёки прагматик лингвистиканинг тилшунослик ва прагматикага алоқаси масаласини, уларнинг ўрганиш объектини ойдинлаштириш зарурати кучаймоқда.

Прагматика сўзи грекча *pragma*, *pragmatos* сўзларидан олинган бўлиб, «иш», «ҳаракат» этимологик маъноларига эга. Прагмалингвистиканинг шаклланиши фандаги прагматик оқим билан боғлиқ. Келиб чиқиши жиҳатидан, аслида, фалсафий таълимот бўлиб, у фалсафани ҳар хил ҳаётий вазиятлардаги кишиларнинг туғилган муаммоларни ечишининг умумий методи сифатида талкин қилган. Прагматизм нуқтаи назаридан билиш объектлари амалий масалаларни ҳал қилиш чоғида билиш ҳаракатларининг келиб чиқиши учун сабаб мақомига эга. Бошқача айтганда, билиш объектлари ва билиш ҳаракатлари сабаб-оқибат диалектикасини ўзида акс эттиради. Масалан, тафаккур организмнинг устунлиққа эришиш мақсадида муҳитга мослашиш воситаси ҳисобланса, бунда тафаккур маҳсули бўлган тушунча ва назариялар фаолият жараёнидаги қурол, асбоблар мавқеидир; ҳақиқат прагматизмда амалий фойдали ходиса сифатида талкин этилади. Демак, қўринадики, прагматика амалиётдаги назария, назариядаги амалиёт бўлиб, назария ва амалиётнинг диалектик яхлитлигини ифодалайди.

Прагматика атамаси «Сократдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирганлар» [2:37]. Фанда прагматика илмий оқим сифатида XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда шаклланган бўлиб, асосий тамал тошлари Ч.Пирс томонидан қўйилган. Ч.Пирс ғоялари эса унинг салафлари бўлмиш У.Жемс, Ж.Дьюи, Ф.К.Шиллер, Ж.Г.Мид, Ч.И.Моррис каби ўз даврининг етакчи назариётчи прагматиклари томонидан ривожлантирилган. Сўнгра прагматика семиотиканинг таркибидан ҳам мустақил бўлим сифатида ўрин олиб, унда муайян бир ишоравий тизимдан фойдаланадиган субъектларнинг муносабатлари ўрганиладиган бўлди.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»да **прагматика** тушунчасига олимларимиз А.Мадвалиев, Й.Солижоновлар қуйидагича тавсиф беради:

«Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоен бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи қўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувидаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ қўлаб масалалар қиради» [6:164]. Прагматикада бевосита нутқ билан боғлиқ қатор кўп тармоқли ходисалар ҳам диққат марказида бўлади: «Баённинг ошқора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриқлаш, шикоят ва б.); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва б. ҳислатларига баҳо берилиши; сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати қабилар. Прагматикада нутқ адресати, ўзаро алоқага қирувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам қўлаб масалалар ўрганилади. Бугунги кунда прагматика ғоялари эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, информацион-қидирув тизимларида фаол қўлланилмоқда» [6:164].

Прагматика терминининг бошқа соҳаларда қўлланишида ҳам ҳаётий воқелик, реал факт асос қилиб олинади. Масалан, тарихий воқеликни англатувчи «1438 йилги прагматик санкция», «1713 йилги прагматик санкция» (*Sanctio pragmatica*) хрононимлари фикримизнинг далилидир.

XIX асрнинг дастлабки йилларида ўзбек тилшунослигида ҳам прагмалингвистика соҳасида тадқиқотлар юзга кела бошлади.

М.Ҳакимовнинг «Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини» мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида лингвистик прагматикага оид назарий масалалар биринчи марта монографик аспектда тадқиқ этилди [7:283]. Мазкур тадқиқот ишида лингвистик прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалалари, прагматиканинг тилшуносликнинг унга ёндош бўлган бошқа йўналишлари билан муносабати, лингвистик прагматика билан ўзбек тили сатҳлари орасидаги ўзаро алоқаси ҳақида баҳс юритилган, матн семантик тузилишида қатнашувчи прагматик мазмун турлари ўзбек тилидаги матнлар мисолида ўрганилган [8:6].

Проф. Ш.Сафаровнинг 2008 йилда нашр қилинган «Прагмалингвистика» номли монографияси тилшунослик фанининг нисбатан янги соҳаси бўлган прагмалингвистика фанининг бугунга қадар эришган ютуқларини умумлаштириш, унинг истиқболи ҳақидаги назарий қарашларни илмий таҳлил этишга бағишланган. Бу тадқиқот прагмалингвистиканинг «зурриётлари» бўлмиш этнопрагматика, социопрагматика, қиёсий прагматика ва бошқа қатор илмий йўналишларнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти тўғрисида кенг қўламдаги илмий материалларни жамлаган дастлабки тажрибалардандир [2:286].

Шундай қилиб, прагматика тилшуносликнинг янги амалий тармоғи сифатида тилнинг нутқий жараён, нутқий вазият, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор муаммоларини ўрганувчи [7:14] соҳа сифатида шаклланмоқда.

Прагматика ғоялари семиотикада ўрнашган семиотиканинг ўзи каби тилшунослик билан ҳам боғлана бошлади. Маълумки, семиотика ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ҳамда белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси, у ёки бу объектнинг семиотика нуктаи назаридан ўрганиладиган тизими мақомини ҳам олди. Лингвистик семиотикадаги (семиотик лингвистика эмас) асосий категория лисоний белги (лисоний бирлик) ҳисобланади. Бошқача айтганда, лингвосемиотика муайян лисоний бирликларни маълум бир ишора, белги, ифодаловчи сифатида талкин қилади. Матн ёки мулоқот тизимида воқеланган лисоний бирлик ҳамда унинг маъноси шакл ва мазмун яхлитлиги сифатида намоён бўлади. Белги сифатидаги лисоний бирлиكنинг маълум бир маъноси асосида у билан шартли равишда боғланган нарса-ходиса ҳақида кишилар коммуникацияга киришадилар – ахборот алмашинуви акс эттирадилар. Семиотиканинг тилшунослик билан бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ боғланиб кетишининг сабаби тилнинг бошқа ишоравий системалардан мукамаллиги, жонлилиги, қайишқоклиги каби хоссаларидир. Шунинг учун табиий саналувчи инсон тили сунъий ишоравий системалардан (сунъий тиллар, дастурлаш тили, физика, кимё, математика ва мантиқдаги рамзий тизимлар) амал қилиш вазиятига мослашувчанлиги билан белгиланадиган мураккаблиги асосида ажралиб туради.

Лисоний белгиларнинг ишоравий функцияларини ўрганишда синтактика, семантика ва прагматика яхлитлиги ва фарқлиги мавжуд. Яъни улар ўрганиш объектларининг умумийлиги жиҳатидан мужассамлашиши билан биргаликда ўрганиш предметларининг хусусийлигига кўра фарқланади. Семиотика нуктаи назаридан синтактика белгиларнинг мулоқотдаги занжирсимон кетма-кетлигини, семантика белгиларнинг ички ва ташқи унсурлари орасидаги муносабатни, прагматика эса белгилар тизимидан фойдаланувчиларнинг белгилар системаси амал қиладиган пайтдаги вазият билан муносабатини тадқиқ этади [3:336]. У Ч.С.Пирс талқинидаги «белгининг муносабат майдони уч йўналишдан иборат:

1) белги, аниқроғи, репрезантамен – бирор нарсанинг ўрнини алмаштирувчи моддий кўринишга эга бўлган восита;

2) идрок этувчининг онгидан ўрин олган ва белгининг тавсифини берувчи восита – интерпретанта;

3) белгида акс этаётган объект» [4:125-126; 5:50-53] яхлитлигининг янги ва ривожлантирилган шаклдаги кўринишидир.

Шу асосда лисоний белги маъноси ва вазият унсурлари синтактик омил асосида боғланади, оқибатда лисон ва прагматика муштарақлиги вужудга келади. Бу эса тилшунослик ва прагматиканинг лисон ҳамда вазият унсурларидан бирини ўрганиш объектлари сифатида танлашига олиб келади.

Прагматика инсоннинг коммуникатив фаолияти, унинг махсули бўлган мулоқот жараёни ва мулоқот вазияти воситасида юзага чиқади. Прагматика объекти аниқ форма ва қиёфадан холи, уни адресант ва адресат табиати ҳамда уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатини коммуникатив вазият билан боғлайдиган муаммолар мажмуи ташкил қилади. Масалан, адресант табиати билан боғлиқ бўлган ҳамда мулоқот сифати ва самарасини

белгилайдиган коммуникатив интенция; мулоқот стратегияси ҳамда тактикаси; мулозамат ва мулоқот одоби; коммуникантларнинг лисоний компетенцияси, қарашлари, қизиқишлари, макон ва замон қабилар мулоқот вазиятининг таркибий узвлари саналади. Улар асосида лисоний бирликлардан бирининг танланиши эътиборга олинади. Бунинг учун эса лисоний бирликларнинг маъновий хусусиятлари, синтактик имкониятлари, функционал қиймати, муқобиллик даражаси ўрганилади. Шу маънода тилшунос Ш.Сафаров «Прагмалингвистика» монографиясида прагматик лингвистиканинг ўрганиш объекти ва таҳлил методологияси таҳлили жараёнида прагмалингвистик тадқиқ доирасини торайтириш сифатида баҳолаган Ж.Катзнинг «Грамматика гап турлари структураси ҳақидаги таълимотдир, прагматика эса, аксинча, лисоний тузилмаларнинг қурилиши, уларнинг грамматик хусусият ва муносабатларини ёритиш билан шуғулланмайди. Прагматик назариялар гап белгиси ва пропозициянинг матндаги мувофиқлигининг сўзловчи ва тингловчи томонидан оқилона таъминланишини ўрганадилар. Шунга кўра, прагматик назария нутқий фаоллик (перформация) назариясининг маълум бир қисмидир» [9:19] деган фикрини лингвистик прагматика объекти нуктаи назаридан туриб оқлаш имкониятлари борлигини таъкидлаш лозим. Зеро, прагматика фаолият назарияси экан, унинг тури сифатида лингвопрагматика эмас, балки прагмалингвистика бўлиши мақсадга мувофиқ. Устоз Ш.Сафаров С.Левинсоннинг лисоний ходисани биринчи ўринга чиқариб билдирган «прагматика тилдан фойдаланувчиларнинг гапларининг контекстда ўринли қўлланилаётганлигини ўрганувчи соҳадир» [10:24] деган фикрини «тор доирада тасаввур қилиниши» сифатида бўлса-да, қўллаб-қувватлаши, биринчидан, анъанавий прагмалингвистикани лингвопрагматик мазмунда тушунишга мойиллигини кўрсатади. Иккинчидан, прагмалингвистиканинг тадқиқ тамойили сифатида «тил – прагматика» ва «прагматика – тил» жуфтлигини олаётганлигидан далолат беради. Унинг мазкур асарнинг 69-саҳифасида баён этган «лингвопрагматик таҳлил объекти эса ҳар қандай ҳолда ҳам лисон ва унинг фаолият жараёнида воқеланадиган хусусиятлари ва, умуман, коммуникация категориясидир» деган фикрининг биринчи қисми («ҳар қандай ҳолда ҳам лисон») ҳам бизнинг нуктаи назаримизнинг ишончлилиги даражасини кўрсатади. Ишнинг «умуман, коммуникация категорияси» қисми эса лингвопрагматиканинг ўрганиш объекти масаласини маълум даражада мавҳумлаштиришини истиҳола билан таъкидлашни истардик. Зеро, «прагмалингвистика функционал услубнинг махсус бўлими сифатида эндиgina оёққа тураётган ва фақат ўзининг категорияси, тадқиқий усуллари аниқлашга киришаётган соҳадир» [1:46].

Кўринадики, фанда прагматик лингвистика лингвистик прагматикадан фарқланмаганлиги туфайли уларнинг тадқиқ объектларини белгилаш ва «муаллифлар сони кўпайган сари берилаётган таърифлардаги турли хиллик, фикрлар зидлиги ҳам ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз».

Демак, айтиш мумкинки, мазкур қўш соҳанинг умумий объекти сифатида қаралаётган:

«коммуникатив фаолият категориясининг асосий фаолиятдир;

тил коммуникантларнинг ўзаро муносабатини ҳаракатга келтирувчи воситадир;

лисоний фаолият мулоқот муҳити билан боғлиқ ходисадир» [2:69] ҳукмларининг биринчисинигина прагмалингвистика тасарруфида қолдириш ўринлидир.

Тилшуносликнинг исталган парадигмасининг, у анъанавий бўладими, замонавий бўладими, ўрганиш объекти тилдир. Модомики, прагматик лингвистика ёки лингвистик прагматика тилшунослик йўналиши сифатида қаралар экан, унинг ўрганиш объектини лисоний бирлик ва структурадан иборат системадан кидирмоқ лозим.

Диалектик нуктаи назардан серкирра мохиятли мулоқот тизимиға икки томондан ёндашиш мумкин. Унинг бир томони мулоқот вазиятининг қандай лисоний воситалар асосида эканлиги бўлса, иккинчи томони мавжуд лисоний бирликларнинг мулоқот вазиятига ҳосланиши муаммосидир. Шу нуктаи назардан прагматик йўналишнинг тадқиқ объектига икки хил ёндашув юзага чиқади:

- а) «мулоқот системаси → лисоний система»;
- б) «лисоний система → мулоқот системаси».

Биринчи тамойилга кўра, тадқиқ объекти сифатида мулоқот системаси, тадқиқ предмети сифатида эса лисоний система намоён бўлади. Тилшунослик учун эса ҳеч қачон мулоқот системаси ва лисоний система

зиддиятида мулоқот системаси тадқиқ объекти сифатида биринчи даражада аҳамият касб этиб, лисоний системанинг ўрни иккинчи ўринга туширилиши мумкин эмас. Таъкидлаш лозимки, мулоқот системаси ёки лисоний системани «мулоқот системаси → лисоний система» тамойили асосида ўрганишни мутлақ инкор этиш ниятида эмасмиз. Аммо ҳар бир ҳодисани ҳолис номлаш тамойилига кўра, «мулоқот системаси → лисоний система» тамойили асосидаги ёндашувни лингвистик прагматика (яъни тилшуносликнинг прагматик соҳаси) эмас, балки прагматик лингвистика (яъни прагматиканинг тилшунослик соҳаси) атамаси билан юритиш ва мантиқан нолингвистик соҳа сифатида қарамоқ лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланаётган янги соҳалари қаторида лингвопрагматиканинг тадқиқ объекти ва предмети тўғри идрок этиш ҳамда шу асосда унинг тадқиқ методологиясини танлаш катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С., Магидова И.М. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика. // Вопросы языкознания. №3. – М.: 1978. – С.46.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. 286-б.
3. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, филологии, искусства. – М.: «Наука», 1971. –С. 336.
4. Сусов И.П. Семиотика и лингвистическая прагматика. // Язык, дискурс и личность. – Тверь: 1990. – С.125-126.
5. Сухачев Н.Л. О семиотике Ч.С.Пирса. Тройственный знак в универсуме репрезентаций. – СПб.: -М.: «Наука», 2003. - С.50-53.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. 164-б.
7. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2001. 283-б.
8. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. 6-б.
9. Katz J. Propositional Structure and Illocutionary Force. – New York: Crowell, 1977. – P.19.
10. Levinson S. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – P.24.

РЕЗЮМЕ

Мақолада лингвистик прагматика ёки прагматик лингвистиканинг тилшунослик ва прагматикага алоқаси масаласини, уларнинг ўрганиш объектини ойдинлаштириш зарурати, фанда прагматик лингвистика лингвистик прагматикадан фаркланмаганлиги туфайли уларнинг тадқиқ объектларини белгилаш масалалари ҳақида сўз юритилган. Ҳар бир ҳодиса ҳолис номлаш тамойилига кўра таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится об отношении лингвистической прагматики или прагматической лингвистики к языкознанию и прагматике, о необходимости уточнения их объекта, а также обсуждаются вопросы определения отличия прагматической лингвистики от лингвистической прагматики в науке. Каждое явление проанализировано по принципу объективного именования.

SUMMARY

The article discusses the issue of linguistic pragmatism or the relationship of pragmatic linguistics to linguistics and pragmatics, the need to clarify the object of their study, the definition of their research objects because pragmatic linguistics in science does not differ from linguistic pragmatism. Each event was analyzed according to the principle of unbiased naming.

ЛЕКСЕМЫ ЦВЕТООБОЗНАЧЕНИЯ СИМВОЛИКИ ЦВЕТА В ПАРЕМИОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО, УЗБЕКСКОГО И КАРАКАЛПАКСКОГО ЯЗЫКОВ

И.М.Ходжалепесова – *стажёр преподаватель*

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сўзлар: мақол, паремиологик бирлик, ранг рамзи, рангнинг белгиланиши, антропоцентрик характеристикаси.

Ключевые слова: пословица, паремиологическая единица, символика цвета, цветообозначение, антропоцентрическая характеристика.

Key words: proverb, paremiological unit, symbolic of colour, colour-denotant, anthropocentric characteristics.

Одной из важных и актуальных проблем современных лингвистических исследований является изучение семантики фразеологических единиц, в частности, пословиц. Пословицы – это афористически сжатые изречения с назидательным смыслом и ритмически организованной формой [5:432]. Несомненный интерес лингвистов к пословицам обусловлен прежде всего тем, что, формируя важнейший элемент духовной культуры, они заключают в себе смысловой уровень, показывают семантику языка и в краткой лаконичной форме сохраняют миропонимание каждого народа. В связи с этим, до сих пор пословицы остаются предметом сосредоточенного внимания отечественных и зарубежных исследователей.

Пословицы, характеризуясь образностью выражения того или иного смысла, свидетельствуют об особенно-

стях образности мышления каждого народа, о способах его метафорического осмысления картины мира, позволяют увидеть образно сформулированную систему ценностей народа и перечень рекомендуемых моделей поведения практически в любых жизненных ситуациях [6:70].

Пословицы представляют интерес в плане своей национально-культурной семантики, ведь в них раскрываются особенности национально-этической природы, общественного порядка, фольклора, художественной литературы, искусства, быта и обычаев разных народов мира. Каждый язык обладает своей сокровищницей паремиологических единиц, как зеркало отражающих историю, культуру, быт его носителей. Пословицы из поколения в поколение передают национальное самосознание и национальный менталитет определён-